



## ПРЕСС РЕЛИЗ

Тошкент , 2014 йил 30 апрель.

2014 йилнинг 30 апрелида Тошкент Давлат Иқтисодиёт университетида «Ёшлар молиявий саводхонлиги: Ўзбекистон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари» мавзусига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур давра суҳбати Польшанинг Микромолия Маркази ва Ўзбекистон Микромолия Институтлари Миллий Ассоциацияси томонидан амалга оширилаётган Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда Молиявий Саводхонликни Ривожлантириш Дастури» (МСД 2) лойиҳаси томонидан Тошкент давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Давра суҳбатида Ўзбекистон Марказий Банки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги, халқаро ташкилотлар вакиллари, етакчи ўқув муассасалари раҳбарлари, шунингдек академик ҳамжамият вакиллари ва коллеж ва лицей ўқитувчилари иштирок этдилар.

Аҳоли, шу жумладан болалар ва ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш республикаимиз келгуси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор масалаларидан бири сифатида белгиланган. Мамлакатимизда 2014 йил «Соғлом бола йили» давлат дастури доирасидаги тадбирларни ўз ичига олувчи ва молиявий қарорлар қабул қилиш, молиявий махсулотлардан самарали фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш ва ўз маблағларини бошқаришда жавобгарлик хиссини оширишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Иштирокчилар Европа Иттифоқининг «Ўзбекистонда Молиявий Саводхонликни Ривожлантириш Дастури» лойиҳаси доирасида етакчи таълим муассасалар билан яқин ҳамкорликда ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим Вазирлиги қўмаги билан ишлаб чиқилган «Молиявий Саводхонлик Асослари» ўқув қўлланмаси синови натижалари билан танишдилар.

Суҳбат давомида болалар ва ўсмирлар молиявий саводхонлигини оширишга қаратилган педагогик технологияларни қамраб олувчи замонавий моделлар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва синаб кўриш, молиявий-иқтисодий йўналишларда педагогик кадрлар малакасини ошириш тизимини модернизациялаш ва мувофиқлаштириш ҳамда ташкилотлараро муносабатларнинг самарали моделини жорий этиш бўйича ишларни амалга оширишни давом эттириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Мазкур масалаларнинг ҳал этилиши ўқувчи ёшларнинг молиявий хизматлар бозорида масъулиятли ҳаракатлари учун керакли шарт-шароитларни таъминлаш ва уй хўжалик молиясини самарали режалаштириш, таълим кредитларини жалб қилиш, уй-жой қурилишини молиялаштириш ва бошқаларни ўз ичига олувчи давлатимиздаги кўплаб ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал

этилишига ёрдам беради. Ўз навбатида ёш авлод ўз турмуш шароитини яхшиламоқчи бўлган аҳолининг уртасида молиявий саводхонлик билимлари тадбиқ этишда етакчи куч бўлиб хизмат қилади.

**Микромолия Маркази (MFC):** Қароргоҳи Варшава, Польшада жойлашган нотижорат ташкилот бўлиб, Европа ва Марказий Осиёда микромолиялаш соҳаси ривожланиши фаол бўлган 110дан зиёд ташкилотларни бирлаштирувчи уюшмадир. Уюшма аъзолари банк ва нобанк кредит ташкилотлари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар, ижтимоий ва молиявий инвесторлар, тадқиқот ва ривожланиш агентликлари ва кўнгилли ташкилотлардан иборат. Микромолия маркази Польша, Македония, Босния, Украина, Россия, Болгария, Венгрия, Грузия, Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистонда молиявий саводхонлик бўйича бир қатор лойиҳаларни амалга оширган. Микромолия маркази ушбу лойиҳанинг бош ҳамкори ҳисобланади.

**Микромолия Институтлари Миллий Ассоциацияси (МИМА – ўзб., NAMI – инг.)** Ўзбекистонда нобанк кредит ташкилотлари ташаббус ва имкониятларини бирлаштириш орқали уларнинг фаолияти учун қулай шароит яратиш, шунингдек, аъзо ташкилотлар хизматларидан фойдаланувчи аҳоли қатлами молиявий саводхонлиги ва имкониятларини оширишни мақсад қилувчи нодавлат ташкилот. Миллий ассоциация лойиҳанинг маҳаллий ҳамкори ҳисобланади.

Қўшимча маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Дониёр Кучкаров, Лойиҳалар бўйича менежер, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Делегацияси  
[doniyor.kuchkarov@eeas.europa.eu](mailto:doniyor.kuchkarov@eeas.europa.eu)

Шухрат Назаров, МИМА Ижрочи Директори, [NAMI.Microfinance@gmail.com](mailto:NAMI.Microfinance@gmail.com)

Лилия Пескова, Лойиҳа Координатори, Микромолия Маркази, [Liliya@mfc.org.pl](mailto:Liliya@mfc.org.pl)



Ушбу лойиҳа Европа Иттифоқи молиявий кўмагида амалга оширилади.



Ушбу лойиҳа MFC ва NAMI томонидан амалга оширилади.



Ушбу ҳужжат Европа Иттифоқи молиявий кўмаги ёрдамида тайёрланган. Ушбу нашрда келдирилган барча маълумотлар ва фикр мулоҳазалар Микромолия Марказигагина тегишли бўлиб, улардан ҳеч бири Европа Иттифоқининг расмий фикрини билдирмайди. Нашрда келтирилган маълумотлардан фойдаланилганлик ҳолатларида на Европа Иттифоқи ва на унга қарашли бўлган ҳеч бир ташкилот, институт, муассаса ёки уларнинг номидан амал юритаётган ҳеч қайси бир шахс жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

“Европа Иттифоқи – нуу-хау, ресурслар ва тақдирларни бирлаштиришга аҳд қилган 28 аъзо давлатни бирлаштиради. 50 йилик кенгайиш даври давомида улар маданий хилма-хиллик, багрикенглик ва шахс озодлигини сақлаб қолган ҳолда, мустақамлилик, демократия ва катъий ривожланиш зонасини бунёд этдилар. Европа иттифоқи эришган ютуқларини ўз чегараларидан ташқаридаги одамларга ҳам етказишга ҳаракат қилади”.